

## АГИОТЕРМИНЛАР ТАРЖИМАСИНЫ БЕРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

 10.24412/2181-1784-2021-1-217-227

**Тухтасинова Нигина Башировна**  
Ўзбекистон Миллий Университети докторанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада олимларнинг тадқиқотларида агиотерминлар таржимаси таҳлил қилинган. Ўзбек тилшунослигига лексикография соҳасини ривожлантириш, турли хил соҳавий лугатлар яратиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ агиографик терминларнинг назарий ва амалий масалалар ечимиға бағишлиланган тадқиқотлар мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида бизнинг тадқиқотимизнинг долзарб ва заруратини яна бир карра исботлади.

**Калит сүзлар:** термин, терминология, агиографик терминлар таржимаси, диний матнлар таржимаси, таржима усуллари

**Abstract:** This article analyzes the translation of hagiographic terms in the research of scientists. In Uzbek linguistics, a lot of work has been done to develop lexicography, create dictionaries in various fields, however, there are no studies devoted to solving theoretical and practical problems of hagiographic terms. This, in turn, once again confirms the relevance and necessity of our study.

**Keywords:** term, terminology, translation of hagiographic terms, translation of religious texts, translation methods.

Охирги йилларда кескин ижтимоий-иктисодий ҳамда илмий-техник соҳаларда рўй берәётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни ҳар бир фан соҳасига туб ўзгаришларни олиб кирмоқда. Айниқса, тилшунослик соҳасида янги сўз ва ибораларнинг кириб келиш бу борада жиддий мулоҳазаларни олиб бориш заруратини пайдо этмоқда. Зеро, “*Фан ва техника шиддат билан ривожсланаётган бугунги кунда хилма-хил фан соҳаларида кун сайин кўплаб янги тушунчалар вужудга келмоқда. Табиийки, уларнинг барчаси маҳсус тил бирликлари, яъни терминлар билан ифодаланади. Ҳар бир соҳада ахборот узатилиши ва қабул қилиши учун ўша соҳанинг барча талабларига жавоб бера оладиган, тартибга солинган терминлар тизимиға эҳтиёж сезилади*”. [1] Тилшуносликда янги терминларнинг кириб келиши янги имкониятларни

очибина қолмай, ўзига хос қийинчиликларни ҳам пайдо қилишини инкор этиб бўлмайди.

Терминологиянинг тарихий илдизлари, тараққиёт босқичлари, терминларнинг миллий ўзига хослиги, уларнинг таснифи ва тавсифи каби масалалари тадқиқи борасида хориж олимлари кўплаб тадқиқот олиб борганлар. А.Рей, Ж.Сейжер, О.Вюстер, Ю.Марчук, Ж.Корню, Р.Теммермен, В.Лейчик, С.Омарова, М.Паржева, Ш.Шелов, О.Ахмановалар иши шулар жумласидандир.

Ўзбек олимлари томонидан ҳам мазкур йўналишда кўплаб тадқиқотар амалга оширилган. Ўзбек тили терминологияси тадқиқи ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Бу борада тилшунос олимлар У.Турсунов, А.Хожиев, А.Мадвалиев, С.Акобиров, Р.Дониёров, Н.Усмонов, Х.Дадабаев, Х.Бектемиров, Э.Бегматовларнинг терминологияга бағишланган илмий асаллари соҳалараро терминологияни шакллантиришда назарий-методологик асос бўлди. Шунингдек, О.Ахмедов, Х.Палуанова, Д.Кадирбекова, Т.Валиев, Д.Ходжаеваларнинг солиқ ва божхона, экология, спорт, АҚТ, йўлсозлик, тилшунослик соҳаларига оид терминлар системасининг лингвистик ва назарий методологик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган ишлари ҳам мазкур соҳадаги назарий ва амалий масалалар ечимида қаратилган. [2]

Б.Суюнов тиббиёт терминларининг тилимизга кириб келиши ва уларнинг сабабларини очиб беришга қаратилган терминларни қўллашда тилимизда бир қанча муаммолар мавжудлигини қўйидагича асослаб берди:

Нутқ муаллифи терминнинг туб маъносини тўғри англаб етмайди. Натижада, уни мантиқан тўғри келмайдиган сўзлар билан бириктириб, жумла тузади;

баъзан муаллиф онгли равишда мавжуд терминлардан фойдаланмасдан, омма учун тушунарсиз – янги терминлардан фойдаланади;

кўпинча, тилни яхши билмаслик, унинг лексик-семантик, синтактик имкониятлари ҳамда хусусиятларини яхши тушунмаслик сабабли нутқда терминлар мантиқан нотўғри қўлланилади;

тилда сўз ясалиши қонун-қоидаларини яхши билмаслик натижасида ҳам нотўғри терминлар ясаш ёки ижод қилиш кузатилади. [3]

Демак, тилимизда шундай сўзлар борки, улар алоҳида семантик майдон сифатида фан билан, фан тараққиёти, ундаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ ҳолда юзага келади ва яшайди.

Г.Исмоилова турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлашга

бағишиланган тадқиқотида гендер муносабатларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши гендерга оид терминлар тизимини чуқур тадқиқ этиш, бундай терминларнинг ономасиологик, семасиологик, лексикографик хусусиятларини когнитив аспектда ёритиш, тилнинг когнитив имкониятларини оламни категориялаштириш ва концептуаллаштириш нуқтаи назаридан очиб берган.[4]

Демак, ўзбек тилшунослигига лексикография соҳасини ривожлантириш, турли хил соҳавий лугатлар яратиш борасида жуда кўп ишлар амалга оширилган бўлсада, бироқ агиографик терминларнинг назарий ва амалий масалалар ечимиға бағишиланган тадқиқотлар мавжуд эмас, агиографик ёки агиологик терминларнинг изоҳли лугати, таржима луғатлари муаммолари ечимиға бағишиланган йирик монографик тадқиқот олиб борилмаганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида бизнинг тадқиқотимизнинг долзарб ва заруратини яна бир карра исботланди.

Хориж олимлари эса аксинча бу борада анча илғор эканликлари ўрганган материалларимизнинг сони ва салмоғидан англашимиз мумкин. Бу борада мавжуд ишларни бирма-бир таҳлилга тортамиз. Т.Ю.Галкина иконографик адабиётлардаги конфессионал терминлар таржимаси муаммоларига бағишиланган тадқиқотида асосан рус ва инглиз тилидаги матнларнинг таржимаси муаммоларини ўрганади. Олима масалага асосан текстологик, терминологик ва таржима нуқтаи назаридан ёндашиб энг аввало таржимон иконографик адабиётларда учрайдиган конфессионал терминларнинг мазмун моҳиятини чуқур англаши, лингвистик ва экстралингвистик илми кенглиги ва ҳар бир конфессия маданиятидан хабардорлик даражаси юқори бўлиш даркорлигига эътибор қаратади. Т.Ю.Галкина қўйдаги вазифаларни аниқлашни ўз олдига мақсад қилиб олади, яъни:

- 1) турли жанрлардаги бўлган иконографик асарларни ўрганиш;
- 2) иконографик асарлар таржимасида учрайдиган терминларни лексик, семантик ва прагматик томонларини аниқлаш;
- 3) адекват таржимага эришишда мақбул усуулларни танлаш;
- 4) иконографик адабиётлар тадқиқиқига бағишиланган ишларни таҳлил қилиш.

Олима рус тилидаги иконография терминнинг инглиз тилидаги иконография лексикаси орасидаги фарқи тўғрисида шундай дейди:

*“Наличие расхождений между русской терминологией «иконография» и английской терминологией «iconography» обусловлено рядом*

интраплингвистических и экстраплингвистических факторов, связанных с семантической структурой лексем, с историей развития религиозных культурных условий, с языковыми контактами.”[5]

Тадқиқот натижасида олим иконографик адабиёт матнларини икки турдаги китобхонга йўналтириши лозимлигини кўрсатиб ўтади:

Кенг китобхон оммасига (яъни конфессионал билимга эга бўлмаган китобхонлар назарда тутилади).

Касбий йўналтирилган китобхонлар.

Олима маҳсус соҳадаги мутахассислар деганда иконографлар, рассомлар, реставраторлар, тарихчилар, маданиятшунослар ва санъатшуносларни назарда тутган. Чунки улар иконографик адабиётнинг терминологик аппаратини бошқа тур китобхонларга нисбатан яхши тушунади, англайди ва фарқлай олади.

И.Ж.Едиханов Қаюм Носирийнинг “Қобуснома” асарининг русча таржимасида диний-дидактик лексикани ўгиришнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганади. Маълумки, “Қобуснома” XI асрда форс тилида ёзилган нодир асар бўлиб 1432 йилда турк тилига, 1786-1787 йилда уйғур тилига, 1881 йилда татар, 1886 йилда эса рус ва француз тилига ҳамда 1992 йилда эса ўзбек тилидан қозоқ тилига таржима қилинган. Қаюм Носирий тарихчи-этнограф, ёзувчи, татар адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган адабиётшунос шунингдек, мусулмон давлатлари маданиятини чукур ўрганган маърифатпарвар олим. Қ.Носирий “Қобуснома”ни турк тилидан татар тилига таржима қилган бўлса, О.С.Лебедева эса татар тилидан рус тилига таржима қилган. И.Ж.Едиханов мазкур асарни таржимон О.С.Лебедова томонидан ўгирилган вариантини ўрганади. Тадқиқотчи асосан диний лексикани рус тилига ўгирилишини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида жуда кўп араб ва форс тилидан ўзлашган сўзларни учратади. Булар асосан, *намоз, рўза, ҳаж, шаходат, умра* кабилар. Масалан:

“Любое дело может стать поклонением: учёба, работа, помочь нуждающимся, намаз. Если у тебя появилась возможность поехать в Мекку, ты должен ехать для **хаджа** а не **умры**, которую ты не обязан делать”.[6]

Таҳлиллар шу нарсани кўрсатдики, таржимада таржимон ўзлашма сўзларни транслитерация, изоҳли таржима ва компенсация усуслари орқали беришга ҳаракат қиласи. Трансфармацион таҳлил эса кўп ҳолларда адекват таржима яратишга хизмат қилгани аниқланган. Тадқиқотчи, ўз ўрнида тўғри қайд этиб ўтади, яъни диний терминларни таржима тилда беришда таржимоннинг ўқувчига матнни тўғри ва тушунарли етказиб беришга ҳаракат

қилиб таржима матнини кўпайиб кетишига сабаб бўлган бироқ бу контекстуал маънони ўқувчига тўғри ва аниқ етказиб беришга хизмат қилган.

Н.М.Улуқов ўзбекча диний матнлар экзотик лексикасини илмий назарий жиҳатдан ўрганиб ўзбек тилшунослигида биринчи марта ЎДМ экзотизмларнинг луғавий маъновий, услубий хусусиятлари кенг таҳлил қилган, мавзуй жиҳатдан гуруҳларга ажратган, экзотизмларнинг тил лексикасидаги ўрни, уларнинг ўз ва ўзлашма қатлам сўзларидан фарқли хусусиятларини ёритган. Хусусан, олимнинг ЎДМ ларда учрайдиган 500 га яқин экзотизмлар семик таҳлил усули асосида экзотик сўзлар, экзотик атоқли отлар каби йирик мавзуй гуруҳларга, ўз навбатида, бу гуруҳлар яна бир қатор кичик мавзуй гуруҳларга ажратилганлигини диссертация билан батафсил танишиш натижасида билиб олдик. [7] Айниқса, Носиржон Улуқовнинг экзотик атоқли отларни антропонимлар, теонимлар, топонимлар, зоонимлар, хрононимлар каби турларга ажратгани бизнинг тадқиқотимиз доирасида яратиладиган агиотерминлар луғатини гуруҳлашда ўзининг ижобий натижасини берди. Биз ҳам ўз ишимизда олимнинг мазкур турларига таянган ҳолда французча-ўзбекча агиотерминлар луғатимизни ишлаб чиқдик ва унга Ўзбекистон Республикаси Кўчмас Мулк агентлиги томонидан патент гувоҳнома олдик.

Ш.Д.Юсупова диний матнларнинг лингвопрагматик жиҳатлари динга оид терминларнинг семантик хусусиятларини ўрганган, динга оид лексик бирликларни лисоний воситаларнинг функциялари аниқлаган, диний матнларга хос лингвопрагматик хусусиятларни нутқий актлар назарияси асосида тадқиқ этган. [8] Тадқиқотда Куръон тафсири, ҳадислар, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф маърузалари, Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асари, диний-оммабоп нашрлар («Хидоят» журнали ва «Ислом нури» газетаси) материаллар илмий жиҳатдан чукур ўрганилган. Олима диний матнларнинг услубий, функционал ва лингвопрагматик хусусиятларини тадқиқ этиш орқали ўзбек тилидаги диний матнларнинг бошқа матн турларидан фарқли хусусиятлари очиб бериб, уларни лексик бирликлар орқали таснифлаган, диний терминлар терминлашиш, детерминлашиш ва ретерминлашиш ҳодисалари асосида ёритиб берган. Мазкур диссертация агиографик терминлар таркибига кирган диний матнларнинг тадқиқига бағишланганлиги учун мазкур ишни ҳам илмий жиҳатдан кўриб чиқишига қарор қилдик. Айниқса, ишда диний матнларга оид соҳавий лексик бирликлар диний терминологик луғат яратишда манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Шахзода Юсупова ўзбек тилидаги ислом динига оид оғзаки ва ёзма диний матнларни бир неча гурухларга бўлиб таснифлаган. Мазкур тасниф билан батафсил танишиб чиқдик, чунки тадқиқот доирасида агиографик матнлар таркибиға кирувчи барча бўлимларни батафсил ўрганиб чиқиши жоиз топдик. Олиманинг таснифи қуйидагича:

1) Муқаддас диний матнлар. Бу гурух таркибиға Куръон Тафсири киритилади. Муқаддас диний матнларнинг ўзига хос жиҳати уларнинг инсон томонидан яратилмаганлиги, Яратган томонидан нозил қилинганлигига деб баҳоланади.

2. Ҳадислар. Ҳадис Мухаммад Пайғамбар (с.а.в.)нинг кўрсатмалари, насиҳатлари келтирилган матн тури бўлиб, бир неча асрлик қадимий тарихий хусусиятларни ўзида жамлайди.

3. Диний илмий асарлар. Ушбу гурухга Куръонни ўқиш ва ўрганиш, тажвид, буюк алломалар, мухаддислар ва ҳадисшунослик илми, фикҳ каби йўналишларда ёзилган, умумхалқ томонидан камроқ мурожаат қилинадиган, асосан, диний уламолар, олимлар ва шу йўналишда фаолият олиб борадиган мутахассислар учун яратилган китоблар киради. Бугунги кунда диний илмнинг ривож топиши, жамият аъзоларининг кўпчилик қисмида бундай билимларни эгаллаш иштиёқининг пайдо бўлиши, диний масалаларни чукурроқ англаш зарурати динга оид илмий адабиётларга ҳам кенг жамоатчилик томонидан кўп мурожаат этилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса диний матнлар учунгина хос бўлган жиҳатни – бир вақтнинг ўзида ҳам илмийлик, ҳам оммабопликни ўзида жамлаш хусусиятини намоён этади. Мустақиллик даврида яратилган қатор илмий китоблар, хусусан, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг асарлари ана шундай асарлар сирасига киради.

4. Динга оид терминографик ва қомусий луғатлар. «Ислом энциклопедияси», -Қомус» луғати, О.Носиров, М.Юсупов, Ю.Рахматуллаев, А.Нишоновлар томонидан яратилган арабча-ўзбекча «Ан-Наъим ул-кабир» луғати, М.Умархўжаевнинг «Диний атамалар ва иборалар» луғати кабилар шулар жумласидандир.

5. Диний публицистик матнлар гурухи. Бу гурух диний мазмундаги оммабоп нашрлар («Ҳидоят», «Мўминалар» журналлари, «Ислом нури» газетаси каби), диний телекўрсатувлар («Ҳидоят сари» каби), диний ахборот берувчи интернет сайтларини қамраб олади.

6. Диний ваъзлар. Диний мазмундаги ваъзлар, одатда, дин билимдонлари, олимлар, имом-хатиблар, қорилар томонидан ўқиласиди.

7. Дуо матнлари. Дуо диний эътиқодда муҳим роль ўйнайди, динга сифинувчи ҳар қандай инсон дуо қилиш орқали Яратган билан мулоқотга киришади. Шу сабабли ҳам дуо барча учун хосдир. Дуо матнлари оғзаки ва ёзма шаклларга эга бўлиб, сўзлашув нутқида, бадиий нутқда, динга оид илмий адабиётларда, диний публицистик асарларда учрайди.

Мазкур тасниф жуда мукаммал тасиф ҳисобланиб, ундан лугатлар тузишда уларни гурухлаштиришда унумли фойдаланиш мумкин. Аммо ўзбек лугатшунослиги ёки таржимашунослигида агиографик терминларнинг тадқиқига бағишлиланган яхлит монографик иш бўлмаганлиги сабабли диний матнлар, диний терминлар тадқиқига бағишилаган диссертацияларни кўриб чиқдик.

Д.Л.Шагдарова буддавийлик лексикаси ва терминологияси ҳамда унинг таржима муаммоларига бағишлиланган ишида мазкур терминни ўрганишда гуруҳлар, кичик гуруҳлар ҳамда микросистемаларга ажратиб ўрганишни лозим топади.[9] Таржима жараёнида буддизм терминларини ўгиришда миллий-хусусий ёндашувлар талаб этади. Бундай терминларга матн ичида ёки сатр остида изоҳи талаб этувчи лексика сирасига киритади. Олим бурятик таржимонлар томонидан буддизм реалияларини таржимасида қуйидаги усуулларга асосланиш лозимлигини кўрсатиб ўтади:

- 1) ўзгаришсиз қабул қилинган ўзлашган сўзлар: *хубаоак –хуварак, лам-лама, дацан-дацан, дамаари-дамский барабанчик, бубен, ошор-ваджра;*
- 2) матн ичида ёки саҳифа остида изоҳ талаб этувчи ўзлашган сўзлар: *олбоки-маленькие тюфячки, обшитые дорогой материей;*
- 3) қадимги мӯғул (бурят тили) тилида изоҳ келтириш: Бхагават – Илажа түгэс нүгшэгсэн.
- 4) таржима тилига яқин бўлган сўз орқали ифодалаш: *ород лама* (*дослов.русский лама*) – *pop, шажсанной лама* (*жаслов. Мусульманской религии лама*) *мулла.*

Д.Шагдарова таклиф қилган усууларидан тўртинчи усуулни миллий ўзига хос сўzlари билан улар орасида катта фарқ борлиги туфайли доимо ҳам таржимада шароитида ўзини оқламаслигини айтиб ўтади. Шунингдек, мавжуд изоҳли лугатларда маҳсус терминларнинг барчасини топишнинг иложи йўқлигини кўрсатиб маҳсус таржима лугатлар яратиш таржиманинг лексикографик муаммоларини бартараф этадиган асосий факторлардан бири эканлигини тайд этади.

Француз олими Адриана Сербан диний матнлар таржимаси тадқиқига бағишиланган ишида XVII асрдан то ҳозирги кунга қадар Трансильванияда (Руминия) руминларнинг сиёсий ҳокимияти, ҳокимият билан диннинг ўзаро алоқадорлигини очиб беради, диний матнлар ва уларнинг таржимаси, шунингдек, мазкур мавзудаги матнлар таржимасининг ўзига хос лингвистик ва экстралингвистик жиҳатларига тўхталиб ўтади.[10] Олим мазкур лисоний тўсиқларни қўйидагича асослаб беради:

*“La traduction des textes religieux a toujours été une entreprise délicate, parfois carrément périlleuse, surtout quand il s’agit d’un texte sacré, donc du texte central d’une religion, tel la Bible, le Coran ou la Torah. À part les difficultés de transfert linguistique et culturel d’un message complexe, à plusieurs niveaux d’interprétation, il reste tout un ensemble de facteurs à prendre en considération, dont l’histoire du texte, son impact sur la vie religieuse et sociale des individus, voire de peuples entiers, l’influence qu’il a pu avoir sur la production culturelle dans tous ses domaines, mais également les éventuelles traductions précédentes ou l’interdit de traduire, qui peuvent orienter les attentes et, par conséquent, les réactions des personnes auxquelles s’adresse la traduction ou retraduction.”* Ҳақиқатдан ҳам, диний матнлар таржимаси ҳам нозиклик билан бирга ўта масъулиятли таржима ҳисобланади. Айниқса, муқаддас битиклар таржимаси яъни Библия, Қурон, Тора ҳақидаги матнлар таржимондан катта маҳорат талаб этади. Чунки бундай матнлар таржимаси ҳар қандай таржимондан катта тайёргарлик кўриш шу билан бирга, ҳам лисоний, ҳам маданий, ҳам тарихий, ҳам диний ҳам ижтимий ҳаётдан боҳабар бўлиши шарт. Диний матнлар, улар мазмунида акс этган агиографик терминларни ўғириш ҳар қандай таржимонни гангитиб қўйиши муқаррар.

У.С.Мустафин татар тилида Қурон таржималарини лингвистик ва теологик йўналишда ўрганади.[11] У оятлар таҳлили ва уларнинг таржимаси сифатини таҳлил қиласи. Олим ўз ишининг илмий аҳамиятини очиб беришда биринчи ўринда татар мусулмонларининг бугунги кундаги Қурон шарҳларини, оятларнинг мазмун моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқиши ортганлиги, шу билан бирга олимларнинг мазкур соҳада турли хил ракурсларда Қурон таржималарини чукурроқ таҳлил қилишга, бу борада баҳс мунозаларнинг кучайганлигини таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга бугунги кунда татар олимларининг Қурон таржима мактаблари илмий тадқиқотлар олиб боришдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораёғанлиги, татар ва рус тилида қиёсий тадқиқотларнинг кўпайганлигини тадқиқотлар ва олимлар ишлари мисолида

ёритиб беради. Қурон таржимаси ва Қурон шарҳи янги таржима йўналиши ва усууллари шаклланиб бораёганлиги араб ва форс тилидан татар тилига қилинган таржималарни таҳлилга тортади.

Таржимашунос олим Раима Ширинова француз адабиётидан ўзбек тилига таржима қилинган асарларни аслиятга мувофиқлик даражасини таҳлил қилиш жараёнида католик динн пешволари мансаблари ва унвонларини ўзбек таржимонлари томонидан нотўғри ўгирилини куйидагича асослаб:

*“Католик дин пешволарининг мансаблари ва унвонлари билан боғлиқ терминлар ҳам турли таржимонлар томонидан турлича таржисма қилинган. Баъзан ҳатто бир таржимоннинг ўзи ҳам бир атамани бир неча кўринишда таржисма қилганларини гувоҳи бўламиз. Жумладан, биргина “аббат” (abbé) (П.Мериме “Карл IX салтанатининг йилномаси” асари) “бузрук”, “кашиш”, “бузрук”, “кюре” ва “руҳоний” каби бир неча кўринишда берилади. Мисолларда келтирилган сўзлар бир қарашида синонимлардек туюлса ҳам, “аббат”, “кюре” ҳамда “руҳоний” сўзлари ўртасида катта фарқ бор”. [12]*

Демак, юқорида берилган мисоллар таҳлилидан маълум бўлдики, агиотерминларни таржимада беришнинг ягона тамойили йўқлиги бундай хатоларни юзага келишга сабаб бўлган. Шу билан бирга бундай хато ва нуқсонлар таржимонларнинг аслият тилида сўзлашадиган халқ амал қилувчи диний таълимот ва унинг тарихини яхши билмасликлари, католик черков тузилиши ҳамда христиан диний маросимлари ва кундалик амалиётидан етарли даражада хабардор эмасликлари ҳамда ҳар бир тилда терминологик лугатларнинг етарли даражада эмаслиги билан изоҳланади. Терминлар таржимасида бу хилма-хиллик таржиманинг сифатига таъсир қилибгина қолмай, ўқувчида у ёки бу халқнинг эътиқодий одат ва маросимлари хусусида нотўғри тасаввур уйғотади, уни чалғитади. Бу ҳол диний реалиялар таржимаси билан боғлиқ хилма-хилликка чек қўйиб, бу борада муайян меъёрларни белгилаб олишни тақозо қиласди.

## **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Маҳкамов Н. Терминологик тамойиллар ва халқаро термин-элементлар//Хорижий сўз ва терминлардан фойдаланишда меъёр ва миллий-ассоциатив фикрлаш муаммолари. –Тошкент, 2011.–Б. 212.

2. Adriana Serban. Enjeux et défis de la traduction des textes religieux : prolégomènes à une étude des choix identitaires en Transylvanie. Cahiers des études du religieux. 2008/4.
3. Мустафин У.С. Проблемы перевода Корана на татарский язык. Современный мусульманский мир. 2019. №1.
4. Ширинова Р. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (Француз адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари мисолида) Филол. Фан.номз...автореф. –Тошкент 2002. –Б.13-14.
5. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. Филол.фан.бўй.фалсафа.фан док (PhD) дисс...автореф. –Тошкент 1997. –Б.27.
6. Юсупова Ш.Т. Диний матнларнинг лингвопрагматик тадқиқи. Филол.фан.ном.дисс... автореф. –Фарғона, 2021.
7. Шагдарова Д.Л. Буддийская лексика и терминология и проблема их перевода. Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов:Грамота. 2016. №3 (57) –С.192-194.
8. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
9. Hulkar, M. (2019). INTERACTIVE METHODS OF PEDAGOGICAL PROGRAMS IN TRAINING Oriental Languages. *Uzbekistan Journal of Oriental Studies*, 1(2), 146-155.
10. Khalmurzaeva, N. T., Omonov, Q. S., Rikhsieva, G. S., & Mirzakhmedova, K. V. (2021). SPECIFICITY OF THE ACTION OF SILENCE IN JAPANESE COMMUNICATION CULTURE. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES* (2767-3758), 2(08), 50-55.
11. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
12. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
13. Галкина Т.Ю. Проблемы терминологии при переводе конфессиональных текстов иконографической литературы. Автореф.дисс... канд.филол.наук. – Москва, 2007.

14. Едиханова И.Ж. Особенности перевода религиозно-дидактической лексики произведения К.Насиры «Кабуснаме» на русский язык. .Насиры К. Сайланме асарлари, 4 томда. 4 том. –Казан, 2006. –400 б.
15. Исмоилова Г. Турли тизимдаги тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар. Автореф дисс....филол фан доктори (DSc). –Тошкент, 2018. –Б.62.
16. Суюнов Б. Ўзбек тилида тиббиёт терминларини қўллаш муаммоси. [www.Journal\\_fledu.uz](http://www.Journal_fledu.uz).
17. Турсунов У. Ўзбек терминологияси масалалари. –Т., 1933; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. –Т.: Фан, 1996; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017; Акобиров С.Ф. Тил ва терминология. –Т., 1968; Дониёров Р. Ўзбек тили илмийтехникавий терминлари тарихидан. –Т., 1973; Усмонов Н.У. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол.фан.номз. ... дис.автореф. –Т., 1994; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально экономическая терминология в туркоязычных письменных памятников XI-XIV вв: Дис ... д-ра филол.наук. – Т., 1991; Бектемиров Х, Бегматов Э. Мустақиллик даври атамалари. –Т., 2002 ва х.